

□□□□□□□□ □□□□□□□□ .□□□□□□□□□□□□.

:□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□.

1. Саъид ибн Абдулазиз Рабийъа ибн Язиддан, у Абу Идрис Хувлонийдан, у Абу Зарр Жундуб ибн Жунода розияллоху анхудан ривоят қилдилар:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Аллоҳ таборак ва таолонинг шундай деганини айтиб бердилар:

«Эй бандаларим, Мен Ўзимга зулмни ҳаром қилдим. Уни сизларнинг ўртангизда ҳам ҳаром қилдим, бас, бир-бирингизга зулм қилманглар!

Эй бандаларим, Мен ҳидоят қилганлардан бошқа барчангиз залолатдасиз, бас, Мендан ҳидоят сўранглар, сизларни ҳидоят қиламан.

Эй бандаларим, Мен таом берганлардан бошқа барчангиз очсиз, бас, Мендан таом сўранглар, сизларга таом бераман.

Эй бандаларим, Мен кийинтирганлардан бошқа барчангиз яланғочсиз, бас, Мендан кийим сўранг, сизларни кийинтираман.

Эй бандаларим, сизлар кечаю-кундуз гуноҳ қиласизлар, Мен эса барча гуноҳларни мағфират қиламан. Мендан мағфират сўранглар, сизларни мағфират қиламан!

Эй бандаларим, сизлар Менга зарар етказишга асло қодир бўла олмайсизки, зарар етказсангиз. Менга фойда келтиришга ҳам асло қодир бўла олмайсизки, фойда келтирсангиз.

Эй бандаларим, сизларнинг аввалгию охиргиларингиз, инсужинларингиз орангиздаги қалби энг тақволи кишидек бўлса ҳам, бу нарса Менинг мулкимда ҳеч нарсани зиёда қилмайди.

Эй бандаларим, сизларнинг аввалгию охиргиларингиз, инсужинларингиз қалби энг фисқу фужурга тўлган кишидек бўлса ҳам, бу нарса Менинг мулкимдан ҳеч нарсани камайтирмайди.

Эй бандаларим, сизларнинг аввалгию охиргиларингиз, инсужинларингиз бир жойда туриб, Мендан сўрашсаю, мен ҳар бир инсонга сўраган нарсасини берсам ҳам, бу нарса Менинг ҳузуримдаги нарсани денгизга ботириб олинган игна камайтирганчалик камайтиради, холос.

Эй бандаларим, бу амалларингизни (номаи аъмолингизга) ёзиб қўяман, сўнг уларни сизларга тўлиқ қайтариб бераман. Ким (номаи аъмолида) яхшилик топса, Аллоҳга ҳамд айтсин, ким бундан бошқа нарса топса, фақат ўзинигина маломат қилсин!».

(Ровий) Саъид айтади: «Абу Идрис қачон шу ҳадисни сўзлаб берса, чўккалаб олар эди».

Имом Муслим ривояти.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал роҳимаҳуллоҳ: «Шом аҳлига мана шу ҳадисдан кўра шарафлироқ ҳадис йўқдир», деб айтганлар.

Манба: hadis.islom.uz

